

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 10-oktyabr • № 41 (3973)

АДАБИЙ ЖАРАЁН ВА ИЖОДКОР МАСЪУЛИЯТИ

Уюшма фаолларнинг кенгайтирилган навбатдаги йиғилишида бугунги адабий жараён, яратилаётган янги бадиий асарларнинг савияси, ижодий уюшманинг жамоатчилик ташкилотлари билан узаро ҳамкорлиги сингари бир қатор масалалар атрофида муҳокама этилди. Йиғилишда, шунингдек, "Ёшлар йили" давлат дастурида ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг энг сара асарларини чоп этиш юзасидан белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборот тингланди.

Уюшма раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ўз сўзида ижодкор зиёлилар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этаётганларини алоҳида таъкидлаб ўтди. Кейинги йилларда устоз адиблар, ёш истеъдод эгаларининг янги асарлари эълон қилинди. Уларда истиқлол замонининг янги қаҳрамонлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар, ёш авлод оғни ва қалби учун кураш муаммолари қаламга олинган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририятда ёш ижодкорларнинг баёзи чоп этилмоқда. Фафур Фулом номидagi нашриёт-ижодий уйда "Олтин остонага биринчи қадам" туркумида бир гуруҳ навқирон қаламкашларнинг илк китоблари босилди. Зомин, Элиқалъа ва бошқа жойларда ўтказилаётган ёш ижодкорларнинг аъёнанинг анжуманларида янги-янги талантлар кашф этилмоқда.

Эътибор молик ютуқларимиз бор, албатта. Аммо эътибор беришимиз зарур бўлган бир муаммо ҳам мавжудки, унга мулкко бепарқара бўлмайди. Бу - айрим давлат тасарруфидagi, асосан, ҳусусий ва мустақил нашриётларда чоп этилаётган китобларнинг, тижорат йўналишидаги газеталарда эълон қилинаётган "қисса" ва "хикоя"ларнинг бадиий савияси. Уларда беҳаё ибора-лар, яланғоч сатрлар, ўқувчида тушун-лик қайфиятини уйғотувчи тасвирлар кўплиги ҳаммаизни ташвишга солиши керак. Шу маънода, Барно Султонованинг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида эълон қилинган "Шеърларида қартайган" шоир" болалар" сарлавҳали танқидий мақоласида кўтарилган муаммо жуда ўринли, деҳ ҳисоблайман. Эътибор бериш, ҳали ўн олтига ҳам тўлмаган шоир "Армонларим юракни ўйди, Ёмонликдан ороқлар тўйди. Армон мени пичқосиз сўйди, Сен армонин экансан, бахтим", деб нола қилса, буни қандоқ тушуниш мумкин?

Бугун кўпчилик китоб ёзиш ва уни юксак полиграфик ижрода чоп этиришга бел боғлаган. Халқимизнинг танилиш шоир ва адиблари, ёш ижодкорлар билан бирга, бошқа бир қатор касб эгалари ҳам кўпчилиги қалам олиб, шитоб билан хотирлар, шеър ва достонлар, қисса ва романлар, драматик асарлар ёзаётганлари яхшилик аломати, албатта. Аммо бизни ва, биринчи навбатда, ўқувчиларни, адабиётшуно олимларни серҳашам муқовалар тағидagi саҳифа-

ларда нималар ёзилгани, улардан қандай маъно-мазмун ўқиш мумкинлиги қизиқтириши керак. Саволини шундай қўйдиган бўлсак, кўпгина номи ваҳимали, ҳашами зўр китобларнинг мағзи пуч, тарбиявий аҳамияти ноҳор, бадиий-эстетик савияси саёз битиклар эканлиги маълум бўлиб қолади. Адабий жараёнга бевоисита алоқадор бўлмаган турли ташкилотлар ҳомийлигида фаолият олиб бораётган нашриётлар муаллифдан бошқа бирор киши ўқимаган, бадиий савияси аниқланмаган кўлёмаларни таҳрирсиз, ҳатто имло хатоларини тузатмасдан босиб чиқараётганлари ачинарли ҳолдир. Янада ачинарлиси, бундай "қўлбола" китобларга номдор адиблар, адабиётшуно олимларнинг исм-фамилиялари масъул муҳаррир ёки тақризчи сифатида ёзиб қўйилади.

Адабий жараёнга тааллуқли яна бир қамчилик китоб савдоси ва уни ташкил этишда кўринади. Чекка шаҳар ва туманларда бўлганимизда, бу ердаги китоб дўконларига пойтахт нашриётларида чоп этилаётган янги китоблар деярли етиб келмаётганига гувоҳ бўламиз. Ҳолбуки, китоб савдосини ташкил этишдаги бу бамайлихотириқдан фойдаланган кўплаб тижоратчи-муаллифлар ўзларинг олди-қочди "асар"лари билан китоб дўконлари пештахталарини тўлдириб турибдилар. Айрим дўконларда ношири ва қачон, қанча нусхада босиб чиқарилгани номаълум бўлган "китоб"лар ҳам сотилаётгани гоёгда ажабланарлидир.

Фаоллар йиғилишида Оғахий, Фуқрат, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода ва бошқа ижодкорларнинг таваллуд саналарини нишонлаш, ёзувчиларнинг "Дўрмон" ижод уйи ва боғини таъмирлаш, ижодкорларга маданий-маиший шароитлар яратиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Муҳокамаларда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги директорининг ўринбосари Ўткир Жўраев, ёзувчилар Одил Ёқубов, Муҳаммад Али, Сирождидин Сайиди, Омон Мухтор, Эркин Самандаров, Ойдин Ҳожиёва, Минхождидин Мирзо, Аҳмад-жон Мелибоев, Мирпўлат Мирзо ва бошқалар иштирок этидилар.

Йиғилишда Фармон Тошев (Самарқанд), Абдумутал Абдуллаев (Андижон), Ахтамкул Карим (Сурхондарё), Сиддик Мўминов (Фаргона) ва Собира Бўлдиёва (Бухоро) уюшма аъзолигига қабул қилинди.



МУСИҚА — САМАРАЛИ ТАЪЛИМ ВОСИТАСИ

Ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида музика таълимининг аҳамияти бекиёс. Шу боис, музика таълими йилларида мамлакатимизда болалар музика ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, бу соҳа педагогик кадрларини тайёрлаш ишини замон талаблари даражасида йўлга қўйиш, музика мактабларини ўқув қўлланмалари, чолгу асбоблари билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг натижаси уларок, кейинги йилларда неча ўнлаб ёш истеъдод эгалари дунё мамлакатларида ўтказилаётган турли танловлар, музика фести-

валлари ҳамда бошқа маҳорат кўриқларида муваффақиятли қатнашиб, юртими шаънини улуглаб келмоқдалар. Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг бошида имзоланган "Болалар музика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойишида мамлакатимизда болалар музика таълимини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари, бу борада яқин-келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вази-

фалар аниқ-равшан кўрсатиб берилган. Фармойишда, жумладан умумтаълим ҳамда болалар музика ва санъат мактаблари учун музика фани бўйича давлат ўқув стандартлари ва дастурларини, дарсликлар ва методик қўлланмаларини замонавий меъзорлар асосида яратиш, мавжудларини такомиллаштириш, ҳар бир ўқув юртини малакали педагогик кадрлар, музика анжумани билан тайёрлаш алоҳида эътибор қаратилган. Пойтахтимиздаги маданият ва санъат кўргазмалар залида Маданият ва спорт ишлари ҳамда Халқ таълими вазириликлари биргаликда ташкил этган болалар

музика ва санъат мактаблари учун мўлжалланган музика асбоблари кўргазмаси мазкур Фармойиш ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар кўламининг ўзига хос намоиши бўлди.

Кўргазмада икки юзга яқин чолгу асбоблари, турли хил мактаб жиҳозлари, махсус дарслик ва қўлланмалар намоиш этилди. Улар орасида Ўзбекистон Давлат консерваторияси "Миллий чолгу илмий ишлаб-чиқариш тажриба лабораторияси"да боғчаларнинг тарбияланувчилари ҳамда умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган икчам ва қўлай музика асбоблари алоҳида эътиборга молик. Халқ усталари Обид Алимов, Хирожиддин Муҳиддинов, ҳусусий тадбиркорлар Муҳаммадназир Юнусов, Абдумалик Мадримов ва бошқаларнинг гул қўллари билан тайёрланган музика асбоблари муҳлисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Юқорида қайд этилган Давлат дастурига биноан қурилиши кўзда тутилган 150-200 ўринли янги замонавий музика мактабларининг лойиҳалари, келажакда фаолият йўлга қўйилаётган музика тарихи назарияси, ўзбек халқ чолгулари, зарбли чолгулар ва махсус фортепиано синфларининг намуналари кўпчиликда жиддий қизиқиш уйғотди.

— Ушбу кўргазмадан кўзда тутилган мақсадлардан бири — музика асбоблари ясовчи усталарнинг бой тажрибалари ва имкониятларини ўрганиш ва уларни умумлаштиришдан иборат, — дейди музикашуно Озода Тошматов. — Кўриб турганимиздек, пойтахтимиз Тошкентда ва вилоятларимизда яшаб ижод қилаётган кўплаб усталаримиз миллий чолгу асбобларини, айниқса, болалар учун мўлжалланган чолгуларни талаб даражасида тайёрлаб бериш имкониятларига эга. Айрим маҳоратли усталар эса мавжуд асбобларни янада такомиллаштириш, янги созлар яхшироқ қилиш билан ҳам астойдил ишгулланмоқдалар. Лекин, бугун биз учун муҳими — болалар музика ва санъат мактабларини зарур асбоб-ускуналар билан таъминлашдир. Бу борада халқ таълими вазирилик муваффақиятлари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишимиз ўз самарасини беради, деган умиддаман.

Ўз ахборотимиз

ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ

Қадимий ва гузал Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига республикамиз мўйқалам усталари ҳам қизини тайёрларлик кўришмоқда.

— Кўхна шаҳримиз юбилейини нишонлаш юзасидан қабул қилинган ҳуқуқ қарори тасвирий санъат муаммолари билан шуғулланаётган ижод аҳлини ҳам илҳомлантириб юборди, — дейди Бадиий академия раиси Турсунали Қўзиёв. — Ҳозирнинг ўзида бу йўналишда дастлабки ижод намуналари юзага келди.

Режалаштирилган лойиҳалардан бири "Мохир расомлар асарлари Тошкентга" деб номланди. Ушбу туркумдан ўрин оладиган суратлар асосан Тошкентнинг

яқин ўтмиши ва бугунги ҳаётини акс эттирувчи картиналардан иборат бўлади. Кўзга кўринган мўйқалам усталари чизган янги полотнолар ҳам ўзига хос ҳузур ва бахш этиши турган гап. Бундан ташқари юбилей олдидан яна иккита кўргазма уюштирилди. Тасвирий санъат галереясида очилган бадиий экспозиция қўнғирларга бой бўлди. Энг яхши график асарлар эса "Менинг севимли шаҳрим" деган ижодий танловга саралаб олинди.

Ўтказилаётган яна бир танловга ҳозирнинг ўзида бир неча асар тақдим этилди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, юбилейга тайёрларлик жараёнида сайёр кўргазмалар ҳам ташкил этилади.

Акбар АЛИЕВ

Донишмандлар бола тарбиясини у тутилмасидан анча аввал бошлаш лозимлигини кўп бор таъкидлашган. Халқимизда эса "Кунг уюсида курганини қилади", деган нақл бор. Бола ёшлигидан одоб-ахлоққа ургатилса, чиройли сузларни эшитиб, гузал нарсаларни кўриб улайғи, яхши-ёмонни, чин ва ёлғонни фарқласа унинг ҳулқ-ахлоқи ҳам гузал бўлади. Хуллас, фарзанд тарбияси ота-онанинг биринчи галдаги масъулиятли вазифаси ҳисобланади.

ҚИММАТГА ТУШАДИГАН... ЭРКАЛИК

Турмуш, оила ҳаёти фақат лаззатли онлар, тўй-тантаналардангина иборат бўлмайди. Тўқинлик, хотир-жамликка эришиш учун йиллар давомида елиб-югуришга, ҳаракат қилишга тўғри келади. Афсуски, мана шу елиб-югуришлар, тирикчилик ташвишлари боис, айрим ҳолларда бола тарбияси кўздан қочади, ота-оналар фарзандлари қандай қилиб "қатта бўлиб қолганини" сезмай ҳам қоладилар. Уларнинг ахлоқ-одоби, қизиқишлари, руҳий ҳиссиётлари билан қизиқишга вақт топа олмайдилар. Кечгагина кўз ўнгиларида мўмин-қобил бўлиб юрган бола мактаб ёки маҳаллада бир иш-кал чиқарганидан кейингина афсуснадомат қиладилар.

айтган нарсасини олиб беришди ёки сўраган пулини қўлига тутқизишди. Бу пулларни кўчада нимага сарф этишини сўрашни унутдилар. Бир мөҳмондорчиликда таниш аёл билан болалари тўғрисида суҳбатлашиб қолдим. Фарзандларининг ўқиши ҳақида сўраганимда, ўғли биринчи, қизи эса тўртинчи синфни тамомлаётгани, ота-оналар ўқувчилар билан келишиб, 20 минг сўмдан пул йиғиб кафеда «битирув кечаси» ўтказишгаётганини айтиб қолди. Мактабни тамомлаётган ўқувчилар битирув кечаси ўтказишини билар эдим, бироқ бошланғич синфларда ҳам бундай аломат тадбир таомилга кирганидан беҳабар эканман. Яна кафеда денг! Тўғри, болажонларнинг хурсандчилигига, шоду хуррамлигига дунёда ҳеч нарса тенг келолмайди. Лекин бундай дабдабали хотамтойликни ҳали маънан шаклланиб улгурмаган бошланғич синф ўқувчилари қандай қабул қилишар экан? Уларнинг ҳаёлини ортқича нарсалар билан чалғитмаёلمизми?!

Давоми иккинчи бетада.



СОВРИН «ФЕРУЗ»ЧИЛАРДА

Кунг кеча Германиянинг Мюнхен шгадига бўлиб ўтган ARD — Халқаро музика ижрочилари танловига бир гуруҳ истеъдодли ёшларимиз "Умид" совринини қўлга киритиб қайтдилар. Мазкур нуфузли танловда Ўзбекистон давлат консерваторияси қошида ташкил этилган "Феруз" торли чолгулар квартети йиғинчилари ўз маҳоратларини тўла намоён эта олдилар. Танловга қатнашиш учун дунёнинг 120 дан ортик давлатларидан тақлифлар

тушган, ҳайъат кенгаши томонида танлов фақатгина ўн уч мамлакат вакилларигина саралаб олинганди. Талабга қўра, унда иштирок этиш учун қатнашчилар машҳур бастакорлар И.Гайден ва Х.Вольф асарларини маҳорат билан ижро этиб беришлари лозим эди. Ушбу талабни юқори даражада бажарган ҳамюртларимиз кўпсонли муҳлис-лар эътиборини қозондилар. Дилором Собитова (1-скрипка), Феруза Норматова (2-скрипка), Ойбек Ашурматов (альт) ва Ойбек Имомов (виолончелдан

БАЙРАМГА АЙЛАНГАН ИМТИҲОН

"Дийдор" театр-студияси тингловчилари янги мавсумни ўзларининг музикаий қобилиятларини имтиҳондан ўтказиш билан бошлашди. Мўъжазгина бу концерт дастури қайта таъмирланган театрининг янги сахнасида намоиш этилди. Утган асрнинг машҳур рус бадиий филларидаги халқ хотирасидан ўрин олган қўшиқларни тинглаб шунга амин бўлдики, воқал санъатининг сир-асорини ўргатаётган педагог Георгий Юрьевич Дмитриев қўшиқларни ҳар бир боланинг овоз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда танлаган. Шу боис қўшиқ матнидаги ҳар бир сўзни ўзининг ўтказиб қўйлаётган болаларнинг қўшиқларида уларнинг ҳали оҳорини йўқотмаган туйғуси ҳам сезиб чиқади.

Хаммамиз Леонид Гайдайнинг "Шуриқининг саргузаштлари" филмининг мириқиб томоша қиламиз. Уша филмда бир абитуриент домлага ўзининг "башан"лигини "Имтиҳон — биз учун байрам" деб изоҳлайди. Биз қанотли сўзларга айланган бу иборани киносиз қабул қилолмаймиз. Лекин ҳақиқатан ҳам юракни сархуш этган ёш санъаткорларнинг чиқиши том маънода имтиҳонни байрамга айлантириб юборди. Ўзбекистон халқ артистлари Баҳодир Йўлдошев, Азиза Бегматова, театршунослар Владимир Островский, Қамариддин Ортиқовлар учун эндиликда хотираларни кўзгатуви соғингча айланган бу қўшиқлар ҳақиқий байрам тўқмаси бўлди. Хитой донишмандлари айтди: "Сен кимгадир балиқ тутиб бериб унинг қорнини тўйдирма, сен унга балиқ тутишни ўргат. Шунда у ҳеч ҳам оч қолмайди". Бинобарин, кўпқирралилик театр актёри маҳоратини фақат бойити.

Дилдор ҒОЗИЕВА

"АСАКАБАН":
ишонч,
унум,
даромад!

"ҒАЛЛАБАН":
сиздан ҳаракат,
биздан
баракат!

БИЛДИРИШ
2008 йил 17 октябр жума кунг соат 15⁰⁰ да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг мажлис залига "Онажоним шеъринг", "Умид" тўғрақларининг навбатдаги кенгайтирилган йиғини бўлади.
Машгулот-мушоирага ёш шоирлар, носирлар, драматурглар ва барча қизиққанлар тақлиф этилади.
Манзил: Ўзбекистон кўчаси, 16⁰⁰-уй, 6-қават. Тел: 227-08-30

КЕНГАШЛИ ТҮЙ ТАРҚАМАС



Аҳолининг маданий дам олиши ва ҳордиқ чикаришида маданият ва истироҳат боғларининг алоҳида ўрни бор. Бундай боғлар дам олиш мавсумида миллионлаб юртдошларимиз, айниқса ёшлар билан гажув бўлади. Шунинг учун боғларни замон талаблари даражасида хиёзлаш мутасадди-ларнинг муҳим вазифасидир. Республикаси худудида жойлашган кўплаб дам олиш масканларида маъзур талаблар асосида аҳолининг яхши ҳордиқ чикариши учун шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Лекин вилоят ва туманларда ҳам бу борадаги ишлар кўнгилдагидек, деб бўлмайдми. Баъзи маданият ва истироҳат боғларидаги ўйин қурilmалари ва аттракционлар эскириб қолган бўлса, баъзиларида оммавий-маданий тадбир ўтказишга ётарлиқа эътибор берилмайдми. Боғларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда иш юритишларига эришиш бугун шу йида мутасадди ташкилотлар олдидаги муҳим вазифалардандир.

Тошкент шаҳар Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи директори Баҳодир Султонов кенгаш раиси, республика халқ ижодиёти ва маданият ишлари бўлими раҳбари вази-фасини бажарувчи Уткир Тоҳиров раис ўринбосари, Мирзааммад Соҳидов котиб этиб сайландилар.



Маданият ва спорт ишлари вазирилик бошқарма бошлиғи Ҳ.Ташматов раислигида ўтган йилгида «Махалла» жамғармаси, Маданият ходимлари қасаба уюшмалари Марказий Кенгаши, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, «Камолот» ЕИХ Адлия вазирилик ва бошқа тегишли ташкилотлар раҳбарлари ҳамда мутасаддилари қатнашиб, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Уз ахборотимизи

«Буюк китобхонлар пайдо бўлгандагина буюк адабиёт яратилган».

Борис ПАСТЕРНАК.

Яқинда дуппа-дуруст хикоя ва киссалар ёзиб юрган, энциклопедия ўзинча бозор иқтисодида мослашиб, саргузашт, детектив асарлар ёзишга ўтган бир ижодкор билан баҳслашиб қолдим. Мен унинг бир мухлиси эдим, ижодини кузатиб борардим. Узағариб қолганига хайрон бўлдим. Сабабини ўзиндан сўраб қўя қолдим.

— Ҳозир адабиётга муносабат ҳам, унинг моҳияти ҳам ўзгарди, — деди у саволимга жавобан. — Ҳозир харидорлар асар ёзиш керак. Яъни қизиқ воқеани янаям қизиқроқ ҳикоя қилиш керак. Менимча, ҳақиқий адабиёт шундай бўлади.

— Адабиётга муносабат ўзгарди деган гапингизда балки жон бордир, — дедим у билан баҳсга киришиб, — аммо адабиётнинг моҳияти ҳеч қачон ўзгармас керак. Унинг тошу тарзоси азалдан бир хил — ҳеч қачон ўзгармайди.

— Барибир сюжет қизиқ бўлмаса ҳозир ҳеч ким ўқймайдми.

— Янглишасиз. Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур «Анор», «Ўғри» хикоялари сюжетда қизиқ воқеа йўқ, аммо уларни ҳали-ҳануз севиб ўқиймиз-ку. Ёзувчи кундалик ҳаётда учраб турадиган, оддий, арзимасдек туюладиган кичик воқеадан катта умумлашма, теран маъно чикарган, илмийроқ қилиб айтсак, бадий ҳақиқат яратган. Адабиёт тарихида бундай мисоллар оз эмас.

— Мен сизга бошқа мисол келтирай, — деди дўстим ҳам буш келмай, — «Уткан кунлар»ни қандай асар, деб ўйлaysиз? Менимча, у детектив-саргузашт асар! Ха-ҳа, ажабланиманг. Отабек билан қайнатасининг дор остидан кутулиб қолиши, Отабекнинг душманлари билан ёлғиз олишиб қолиб келиши — булар ҳаммаси детектив-ку!

— Уткан кунларда шунча саргузашт элементлари бор, аммо бу романнинг детектив асар деганга жон дўстим! — дедим куюниб. — Бу асар биринчи миллий, тарихий романимиз. Унга еттидан асар ҳали яратилгани йўқ...

у битта яхши ёзувчидан худди бўлди. Ҳўш, ким бунга айбдор? Афсуски, бу масалада ҳақамлик қилиш осон эмас... Каминга детектив, саргузашт асарлар юзаси бўлади, ҳақиқий адабиёт намунаси бўлмайди, деган фикрдан йироқман. Жюл Верн, Даниэл Дефо, Жюль Верн, Артур Конан-Дойл, Эдгар По, Агата Кристининг шундай асарлари жаҳон адабиётининг гўзал намуналари сифатида ўқилмоқда. Достоевскийнинг машҳур «Жиноят ва жазо»-си ҳам аслида детектив роман. Тоҳир Малик «Айтаётган» билан бу жанрнинг яхши намунасини яратди. Демак, гап жанрда эмас. Муаммо яна адабиётнинг ўша ўзақ масаласига тақалапти: гап нимани ёзишда эмас, ўша «нимани» қандай ёзишда! Бизнинг шоввоз «детектив»-ларимиз эса, назаримда жуда осон йўлдан болашмоқда. Бу жанрнинг ўз қониқчилиги борлигини ҳисобга олишмайпти. Худди кампир пайпоқ тўқигандек қисқа фурсатда саргузашт асарларни тўқиб ташлашмоқда. (Дўконларда битта муал-

уларга: «Диди, савияси паст томошабини китобхон учун ижод қиласизлар», шулар сафини кенгайтириясизлар» дегансиз, фикрингиз яна тош босмайди: «Бизни кўрналмайсиз!» дея даво қилишадми... Ҳа, халтурага қарши кураш ҳеч қачон осон бўлмаган! Аммо қачонгача муаммодан қўз юмиб, қўл сийтаймиз?! Шаҳар бедарвоза эмас-ку!...

Дўконларни айланми юрганмида яна бир ҳолат эътиборимни тортиди. Сотувчи қўпгина китоблар номи худди «Кепқолинг, иссиқ сомса!» дегандек харидорни ўзига чорлайдиган кўринишда. Қотиллик, турли жиноятлар номи билан аталган силлиқ безакли муқовада чикарилган китоблар чироили қилиб териб қўйилган. Баъзиларнинг номини ёзиб олгандим, муаллиф ҳикоялат бўлмасин деб тилга олмайман. Бироқ бошқа қизиқ тафсилот ҳаёлимга келди. Вилоятларга борганимда аввал пойтахтда ишлаган таркили ижодкор дўстим билан учрашиб қолдим. Ҳол-

АДАБИЁТ БОЗОРГА МОСПАШАДИ...МИ?

лифнинг беш-олтита шунча китоби қатор туриши оддий ҳол бўлиб қолди.) Чамаси, улар бозорга моллашган ўша ёзувчи айтганидек, қизиқ воқеани қизиқарли хикоя қилишини ўзи қифоя, деб ўйлашди. Дарвоқе, ўша қизиқ воқеани тўқиб чикариш ҳам осон эмас аслида. Уддаборлар бунга ҳам йўлини топишган. Ҳуқуқ-тартибот идорасидан бирор жиноят тарихини олишади-да, «қаҳрамон»лар исмини ўзгаришиб, тафсилотни ўзларича қизиқарли баён қилиб, детектив асар «яратишадми». Бунда воқеалар қаламқашнинг ижод қозониде қайта «пишиб», сараланмайди. Муаллифнинг китобхонга айтадиган тайинли гапи ҳам бўлмайди.

Муаммонинг ташвишли жиҳати шундаки, бозорга моллашиб баҳонасида юзаклик, савёлик санъатнинг бошқа турлари — кино, театр ва эстрадада ҳам кузатилмоқда. Бозорга моллашганларнинг танқидга муносабатида ҳам галати муштараклик бор: «Бизни мутахассис фикри қизиқтирмайди! Томошабинга, китобхонга ёкса бўлди! Биз улар учун ишлаймиз!»

— Мен сизга бошқа мисол келтирай, — деди дўстим ҳам буш келмай, — «Уткан кунлар»ни қандай асар, деб ўйлaysиз? Менимча, у детектив-саргузашт асар! Ха-ҳа, ажабланиманг. Отабек билан қайнатасининг дор остидан кутулиб қолиши, Отабекнинг душманлари билан ёлғиз олишиб қолиб келиши — булар ҳаммаси детектив-ку!

— Уткан кунларда шунча саргузашт элементлари бор, аммо бу романнинг детектив асар деганга жон дўстим! — дедим куюниб. — Бу асар биринчи миллий, тарихий романимиз. Унга еттидан асар ҳали яратилгани йўқ...

Бошланиши биринчи бетда.

Илгарилари ота-оналар мактабга фарзандларининг қандай билим олаётгани, ҳулқ-атвориға қизиқиб борган бўлсалар, эндиликда астойдил йиғилиб, кафеда ўтказиладиган «битирув кечаси» сценарийсини (Кимнинг қандай имконияти бор, кимнинг ота-онаси қаерда ишлайди, ким қанча ҳисса қўшади ва ҳоказоларни) муҳокама қилишларини бир тасаввур этиб кўринга. Энг ачинарлиси, ўқитувчилар бундай «кечалар» бола руҳияти ва ҳулқ-атвориға салбий таъсир этишини билар эдилар. Така бўлсин — сут берсин!

Раҳима опанинг таъкидлашича, оилаларнинг ҳар хил шароитда турмуш кечириси болалар психологиясини тортиб, уларнинг таълим олишиға ҳам турлича таъсир қўратади.

— Кимдир ўзига тўқ, кимдир зиёли, кимнингдир отаси оддий

Хар бир инсон, у ким бўлишидан қатъий назар, фарован яшашини орзу қилади. Кунни кеча Алишер Навоий номидаги санъат саройида тақдироти бўлиб ўтган, танкили ёзувчи Эркин Аъзам асари асосида суратға олинган «Жаннат қайдадир» филмининг қаҳрамони, жийдалидан чиққан олим Жўрақулнинг орзуси ҳам шу эди. Аммо ўтиш даври бир лаҳза ичида унинг бу орзуларини йўққа чикаради. Шундай бўлса-да унинг қалби поклиғича қолади. Айрим шогирдларидек янги даврга мослашиб, қифасини ўзгаришиб кетолмайди. Профессор замонал ўртасидаги тафовутни улардан-да кўпроқ англайди, лекин тунини ҳамманинг қўзи ўнгиде

ҚИММАТГА ТУШАДИГАН... ЭРКАЛИК

юзаға келтиради. Албатта, кўпчилик ота-оналар болам бундай ҳолға тушиб қолмасин, ўртоқларининг олдида изза бўлмасин, ўқимасин, дея қарз-хавола қилиб бўлса ҳам ўша пулни топиб берадилар. Аммо айни билим олиши керак бўлган даврда бола фикрини бундай даб-дабалар билан чалғитиш охи-роқибат яхшиликка олиб келмайди. Ҳали мустақил фикри тўла шак-

ўзгаришиб, ички эътирофини ошқора намойиш қилишни ўзига эп кўрмайди. «Онаин севини учун албатта, «Онаон, сизни севман!» деб бақириб шарт эмас-ку! Мен шундай қилолмамдм...», дейди. Ҳўзидек омадсиз олим дўстиға (актёр Хай-

ланмаган бошланғич синф ўқувчиси бундай «хотамтой»ликлар таъсирида «катта давралар»ға ўрганиб қолади, бора-бора характерида таъмагирилик, дабдабабозлик, ҳушомадғўйликка мойиллик пайдо бўлади.

Бола, табиийки, болагини қилади. Фалон нарсани олиб беринг, фалон жойға олиб беринг, бу кийимни киймайман, бошқасини кийман, дея хархаша қилиши ҳеч кимимиз учун янгилик эмас. Бундай эркаликларни тўғри тушуниш мумкин. Аммо бола мактабга боришини истамаса, китоб ўқимаса, тенгдошлари билан дўстлаша олмас, ўзидан кичикларға озор берса, ўқитувчиларини ҳурмат қилмас, булар энди асло инжилик эмас, нотўғри тарбиянинг илк мевалари!

Оила ва мактаб тарбиянинг бошланғич ўчоғи. Бу бўғинларда йўл қўйилган ҳар бир хато кейинчилик жуда қимматға тушади.

Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА

Шеврий лазза

ДОРИЛФУНУНИМ

Жаҳон ақли тикилгай лол сенинг нурили кўшинингга, Улубек йезлаган юлдуз чарақлаб чиқди бошинингга.

Гўё чарх ўтирар дунё топиб остоналардан жо, Борар дилташнарлар бено нурафшон тонгда қошинингга.

Юлиб дилгир ҳаётини, бериб бахту саботини, Танитдинг юртта отини, дедим лаббай сўрошинингга.

Қаро қуларда хун бўлдинг, кейин бир лаҳза тун бўлдинг, Улғу Дорилфунун бўлдинг, олиб ҳулқини бошинингга.

Кни ёшлар оқ қабутардек, дили муштоқ қабутардек, Учар чақоқ қабутардек, бўлиб интиқ қарошинингга.

Кувончим қанчалар чексиз, менинг устозларим тенгсиз, Юрибман қолдирай деб из, битиб исминини тошинингга.

Терар Ахтамқули мағрур сенинг гулзорларингдан дур, Мудом бахтинга яшнаб тур, қўшиб йилларини ёшинингга.

АХТАМҚУЛИ

Яни филм

Кино санъати учун энг қатта манба бу — ҳаётнинг ўзи. Ҳаёт ҳақиқати санъаткорона ифода этилса, ундаги кулгили ҳолатлар, баҳканиликлар ҳеч қандай муболагасиз ўз аксини топади. Бу ҳолат ўзларини замонанинг энг олд хонимлари ҳисобловчи асосатдаги аёллар Роза Ҳасановна ва унинг дугонаси Бўстоннинг муносабатларида ниҳоятда табиий ифода этилган. Бу «чао-бам-бино»ларнинг сўрашишларини кўриб энди мириқиб қуломқчи бўлганимда, худди машҳур «Ревизор» комедиясининг финалидагидек, кимдир қулогинг остида «Эй, бирдор сен кимнинг устидан қулясан» деб шивирла-гандек бўлади. Муқаддас Холиқова ижросидаги Бўстонни кўриб, «актёр режиссёр учун инструмент» деган гапда жон борлиғиға амин бўласан. Фақат бу соани Равил Ботировдек ўз ўрнида чала билиш лозим.

Хуллас, ўтмиш устидан ҳукми ўқишдан олдин, унда улғайган авлодининг қалбига қулоқ солиш, даррдош бўла билиш келажакнинг вазифаси. Ҳўйлашимча, узоқ танавфуздан сўнг устоз санъаткор Равил Ботиров айна шу асарға бежиз мувожазат этмаган. Ёзувчи дардини экран тилиға ўғиришда босиб ўтилган йўллар таърибаси режиссёрға ёрдам бергани аниқ. Бадий асар ҳақиқатини экранда сақлаб қолади сценарий муаллифи Шароф Шоҳбековнинг ҳам хизмати қатта.

Ўзбекистон халқ артистлари Убайдулла Омон, Азиза Бегматова, Фарход Абдуллаев, ёш актёр Дилбек Тўраев ва бошқалар киноасар муваффақиятиға ўз ҳиссаларини қўшишган. «Ўзбекино» буюртмасиға асосан «Инсон» студияси томонидан суратта олинган ушбу филм оператори Султон Мирзааммедов.

И. ҚўШАЕВА

«РЕГИСТОН»НИНГ ЮТУФИ

Ўзбек халқ музыкасини, Шарқ музыкасини чуқур тушуналликларни, юксак профессионал маҳоратларни учун «Регистон» ансамблини «Тошкентлик виртуозлар» деб атайдилар.

«Регистон» гуруҳи раҳбари — Ўзбекистон давлат консерваторияси «Шарқ музыкаси» факультети декани Зулхорбек Туропов. Унинг ўзи ҳам уд, дугор ва бас чулгуларини маҳорат билан чалади. Яқинда «Регистон» гуруҳи Латвия ва Литва давлатларида ижодий сафарда бўлди. Сафар Ўзбекистон хоржий мамлакатлар билан дўстлик ва маданият-маърифий алоқалар жамияти кенгаши, Ўзбекистоннинг Латвиядаги элчихонаси, «Нур» латвия-ўзбек маданий жамияти ҳамда Литвадаги «Ўзбек миллий маданий маркази» кўмагида амалга оширилди.

нас шаҳарларида, «Валда» саройида ҳамда Ригадаги «Неллия» галереясида миллий санъатимизни намойиш қилдик, — дейди З.Туропов. — Шу билан бирга, халқаро миллий марказлар «Rudennep» фестивалида ҳам қатнашдик. Латвияда ҳам, Литвада ҳам бизни ниҳоятда самимий кутиб олишди, музыка маданиятимиз, миллий чулгуларимиз борасида ҳаёжон билан яхши фикрлар билдиришди. Шу каби учрашув ва концертлар мунтазам бўлиб туриши зарурлигини барчамиз юракдан ҳис қилдик.

Ф.ФАХРУТДИНОВА Муаллиф олган сурат



Гўдақликдан она алласини, миллий қадриятларға йўрилган қуй-қўшиқларни тинглаб катта бўлган бола келажакда, албатта, Ватанга Фидойи, ўзлигини англаб биладиган инсон бўлиб улғайишиға шубҳа йўқ. Мустақиллик бизға ота-боболаримиздан мерос бўлган қадриятлардан, миллий санъатимиздан нафақат баҳраманд бўлиш, балки уларни тадқиқ қилиш, тарихини ўрганишдек имкониятини ҳам берди.

Бугунги кунда ана шу меросимизни ёшларға етказиш, миллий маданиятимизни улар онгига синдириш каби хайрли ишларни олиб бораётган жонқуяр ватандошларимиз талайгина. Ана шундайлардан бири Тошкент давлат маданият институту халқ бадий ижодиёти факультети декани, доцент Нозим Қосимовдир. У талабаларға таълим-тарбия бериш билан, фольклор музыка ижрочилиғи бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда. «Талкин» нашриётида чоп этилган «Фольклор музыка ижрочилиғи» ўқув қўлланмаси домланинг анашу изланишлари самарасидир.

Қўлланма билан танишар эканмиз, ўзбек халқининг кўп йиллар давомида шаклланиб-сайқалланми келган фольк-

лор музыка ижрочилиғи, бунинг асосиде яралган бир қанча йўналишлар, уларнинг бугунги кундаги ривожланиш даражаси масалалари жиҳиди ва пухта таҳлил қилинганнинг тур-воҳи бўламлиқ. Табиий-ки, замоналар ўтгани сайин санъатда ҳам ўзига хос ўзгаришлар, эврилишлар юз беради. Ва қайсидир маънода ана шу санъатнинг туб илдизлари, бошланғич нуқталари бироз унутилган-дек бўлади. Бинобарин, бугунги миллий эстрада ёки бошқа замонавий ижрочилик турларининг бир уч, албатта, ўзбек халқ лапарлари, халқ қўшиқларига бориб тақалади. Шунинг учун ҳам бу каби тадқиқотлар ёшларимизға катта ёрдам беради деб ўйлаймиз.

Н.Қосимовнинг маъзур қўлланмаси фольклор ижрочилиғи жанрининг мустақил йўналишларидан бўлган бирга, фольклор музыка ижрочилиғи бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда. «Талкин» нашриётида чоп этилган «Фольклор музыка ижрочилиғи» ўқув қўлланмаси домланинг анашу изланишлари самарасидир.

Қўлланма билан танишар эканмиз, ўзбек халқининг кўп йиллар давомида шаклланиб-сайқалланми келган фольк-

Шодмон ОТАБЕК

Муқаддас АСКАРОВА

Жаҳон адабиёти ҳазинаси

Хозирги вақтда ўзбек бадиий таржимачилигида жаҳон адабиёти намуналарини авсита тил орқали эмас, балки аслиятдан таржима қилиш эҳтиёжи кучайди...



Бу жуда ҳам шовён диққат ҳодиса. Худого шукр, истеъдодли ёшлар кўп. Бадиий адабиётни таржима қилиш салоҳиятига эга ёшларни излаб топиш...

тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Айни пайтда шоир ижодидан айрим намуналарни бевосита инглиз тилидан ўзбек тилига муваффақиятли таржима қилмоқда...

Роберт БЁРНС (Шотландия)

Ишқим ҳароридан эрийди тоғлар

МУҲАББАТ ВА ҚАШШОҚЛИК

Бутун умр этса-да таъқиб, Ўт муҳаббат, қабих қашшоқлик, Ишқ яшайди қалбимда баққиб, Шукр, бу ҳам ярим подшоҳлик!

Нечун доим тақдир азал Муҳаббатга беради ҳалал? Нега ишқнинг тиканли йўли? Ох, нега ишқ бойлиқнинг кули?

Сохта обрў, бойлик ҳеч қачон Тўкс бахтни беролмас бутун. Афсус, баъзи соҳиб даврон Зарни қўяр ишқдан-да устун!

Гар йўқотсам ақлим гоҳида, Кўз олдимга келар кўзларнинг. Муҳрларан ёдим лаҳига «Эсингни йи!» деган сўзларинг.

Лекин, қандоқ эсимни йиғай, Ёнгинамда турсанг ҳамнафас? Айт-чи, қандоқ эсимни йиғай, Ниғонингдан уқиб турсам сас?

Қалбимда чин бўлса муҳаббат, Бахтли сезар ўзин камбағал. У бойларга қилмағай ҳасад, Ҳаваси ҳам келмас ҳеч маҳал!

Нечун доим тақдир азал, Муҳаббатга беради ҳалал.

Нега ишқнинг тиканли йўли, Ох, нега ишқ бойлиқнинг кули?

Бутун ерни зулмат қоплаган, Аммо ёруғ қалбларда хитоб. Қандаш тўла шароб ой бўлса, Бизга бир жом май эса — офтоб.

Ҳисобла, кел, бекача, Ҳой бекача, бекача! Майингни бер, берақол, Дилни сархуш этганча!

Бойлар учун ҳар кун байрам, Камбағалнинг кўкси тўла гам. Майни ичгач бўламиз шодон, Ўзимизча ҳаммамиз ҳоқон!

Ҳисобла, кел, бекача, Ҳой бекача, бекача! Майингни бер, берақол, Дилни сархуш этганча!

Қандаш менга муқаддас шашма, Қалб даридан этгуви фориг. Барча шодлик мен учун унда, У ҳаётим айлайди ёруғи..

Ҳисобла, кел, бекача, Ҳой бекача, бекача! Майингни бер, берақол, Дилни сархуш этганча!..

Ҳайр энди, гўзалим, Соғлинг-чун ичман.

Гарчи севгим ўт ҳали, Мен баридан кечаман.

Маъзур туттин, умримнинг Гуллар ҳали баҳори. Кимга тегсанг тегавер, Ўзингда ихтиёринг.

Дейсан турмуш, ташвишни Бошгинамга урмайман. Мен ҳам тентак эмасман, Сени кутиб турмайман.

Қариндошларинг сени Бойга бермоқ истайди. Тақдиринг ўйинчоқим, Роса қулгим қастайди.

Десалар-да камбағал, Кўлимдидар ўз эрким. Гуруримни ҳеч маҳал Топтай олмайдим ҳеч ким.

Тан сўхатлик — бойлигим, Меҳнатдир ифтихорим. Тогни талқон қилурман, Бор экан куч-мадорим.

Тўғри, баъзан чўққини Забт этаркан сорбургут, Қанотидан ҳорғинлик Сезса сақлайди сукут.

Ҳайр, ёрим, яхши қол, Бу ерлардан кетарман. Дарчангдан эҳтимол Бир бор қараб ўтарман...

Шароб бергил, бергил лим-лим май, Билур қадаҳларда сен бутун. Силур олди сўнгги бор ичай, Сарвиноним соғлиги учун!

Силкинад кема лангари Санагандай шамолнинг кучин. Кетмай туриб заминдан нари, Мен ичман, Мэри, сен учун!

Бизни қутар суровли онлар, Жангта чорлар ҳаллираб байроқ. Садо берар ҳарбий фармонлар, Найзалар ҳам саф тортар шу чоқ.

Мен кўрқмайман жану жалалдан, Ўткинчидир мен учун бари. Лек, қандаш айрилмай сендан, Ёлғизгинам, севглим Мэри!

Шом чоғи жавдарзорда Кун қорайтгач қошини, Учрашудан қайтди Женни Нам қилиб уст-бошини.

Майсадаги шабнамлар Титратди нав-ниҳолни. Кўрмаганда шўрлик қиз Умрида бундай ҳолни.

Жавдарзор аро диллар Талинса бир-бирига, Ё кўча кимни кимдир, Шерик бўлмагн сирига!

Нима бўпти оқшомда Тебранса жавдар боши, Ошиқлар бўсасдан Порласа ишқ кўши..

ҚИЗИЛ АТИРГУЛ

О, меннинг муҳаббатим, Қизил атиргул янгли! Сирли оҳанги қадим Наволару куй янгли!

Эй, чехраси нурафшон Ёр, сизга шайдоурман. Қуриб битса-да уммон, Ҳамиша пайдоурман.

Ишқим ҳароратидан Тоғлар эриб кетгуви. Сизга бўлган пок севгим Асрларга етгуви!

Алвидо, ёр, сирдошим, Алвидо, нозли дилдор. Қанча олис кетсам ҳам, Бир кун қайтурман тақдор!

Инглиз тилидан Бегойим ХОЛБЕКОВА таржималари

Ҳаёт ШОДМОН

КҲЗ ШАРАЙДИ КҲМУШ СОЧИНИ



Бегонага қиз бермас Бу элда азал-азал, Керак бўлса, тул бермас — Отиндан туш, ишинг ҳал!

Қўрғончани оралаб, От келади, қаранглар. Кимнинг уйин қоралаб Ёт келади, қаранглар...

БОЙБИЧА

Балад демай айвони, Эшик қоқар кайвони. Қиз бола дер қалдирғоч — Уйингизнинг меҳмони.

Чопоғон эмиш ули, Ҳам полвон эмиш ули. Мақтовни келтирди Амманнинг толди тили.

Қаторида нор экан, Менда кўнгли бор экан. Шартини айтсин депти, Барига тайёр экан.

Қоя тошда бир гунча, Ошиқ бўлган бил, қанча. Чўзган билан қўл етмас Қиз кўнгли тулмагунча.

Жигтам шундай бўлама, Дардини айтса ўлама. Бир кўриниш бермасдан Совчилари келама...

ХҲШ-ХҲШ МОМОМ

Хўш-хўш Момом, хўш Момом, Арқонлар бўш Момом. Оланг келолмайди, хўш... Боланг келолмайди, хўш...

Тус тур, Момом, тус тургин, Шпирт-шпирт урма думинги. Сут бермасанг, Энақон, Кўролмайман кунимди.

Хўш-хўш Момом, хўш Момом, Кўнгли мендек бўш Момом. Жиламайни диймано, Дардинг менга эш Момом.

Манглайн қашқаним, Фельлари бошқаним, Сендан мудлар бола жўк, Мендан мудлар бола кўп.

Тогда ўсар гулхайир, Сутқанингни қил ҳайир. Буғча қийин ийишинг — Бер боламнинг тийишинг!

Хўш-хўш Момом, хўш Момом, Кўнгли мендек бўш Момом. Қандай сени дим совай — Иккимизга бир Худой...

Машҳур адиб Жек Лондон «Қотиллар ташкилоти» номли романининг ўн икки ярим бобини ёзганидан кейин номалум сабабларга кўра, китоб устидаги ишни ташлаб қўйган ва умрининг охирига қадар уни қайта қўлга олмаган...

Унинг катта-катта маънодор кўзалари зайтун тусли чехрасига ярашган, баданининг териси ҳам ажабтовор майин, кўрғанда беихтиёр силангиз келадиган тим қора сочлари хурпайган. У аёлларнинг кўзига тез тушадиган эркаклар сирасидан бўлиб кўркамлигини ўзи ҳам яхши биларди...

Унинг катта-катта маънодор кўзалари зайтун тусли чехрасига ярашган, баданининг териси ҳам ажабтовор майин, кўрғанда беихтиёр силангиз келадиган тим қора сочлари хурпайган. У аёлларнинг кўзига тез тушадиган эркаклар сирасидан бўлиб кўркамлигини ўзи ҳам яхши биларди...

Инглизча нутқи бадга урадиган даражада силлиқ, хозиргина айтган жўн ҳазилга қараганда, чамаси, ҳажвга мойиллик туйғуси ҳам унга бегона эди. Ҳазини жиддий, виқорли туйғуси ўқимшиликдан далолат берарди...

ЖЕК ЛОНДОН

Инглизча нутқи бадга урадиган даражада силлиқ, хозиргина айтган жўн ҳазилга қараганда, чамаси, ҳажвга мойиллик туйғуси ҳам унга бегона эди. Ҳазини жиддий, виқорли туйғуси ўқимшиликдан далолат берарди...

Инглизча нутқи бадга урадиган даражада силлиқ, хозиргина айтган жўн ҳазилга қараганда, чамаси, ҳажвга мойиллик туйғуси ҳам унга бегона эди. Ҳазини жиддий, виқорли туйғуси ўқимшиликдан далолат берарди...

Инглизча нутқи бадга урадиган даражада силлиқ, хозиргина айтган жўн ҳазилга қараганда, чамаси, ҳажвга мойиллик туйғуси ҳам унга бегона эди. Ҳазини жиддий, виқорли туйғуси ўқимшиликдан далолат берарди...

Инглизча нутқи бадга урадиган даражада силлиқ, хозиргина айтган жўн ҳазилга қараганда, чамаси, ҳажвга мойиллик туйғуси ҳам унга бегона эди. Ҳазини жиддий, виқорли туйғуси ўқимшиликдан далолат берарди...

Инглизча нутқи бадга урадиган даражада силлиқ, хозиргина айтган жўн ҳазилга қараганда, чамаси, ҳажвга мойиллик туйғуси ҳам унга бегона эди. Ҳазини жиддий, виқорли туйғуси ўқимшиликдан далолат берарди...

